



УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА ЮРИДИК ФАКУЛЬТЕТИ

УЧТОЗ - МАЪНАВИЯТ МЕЪМОРИ

(илмий-назарий тўплам)

Бухорои шариф-2023



МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Шодмон Аҳмадович ҲАЙИТОВ,

Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Ойбек Расулович РАШИДОВ,

Бухоро давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси профессори, тарих фанлари доктори (DSc).

Фарруҳ Умидович ТЕМИРОВ,

Бухоро давлат университети “Археология ва Бухоро тарихи” кафедраси мудири, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) доцент.

**МУСАҲХИХ, НАШРГА ТАЙЁРЛОВЧИ ВА МУҚОВА
МУАЛЛИФИ:**

Ҳусен Хайруллоевич ЖЎРАЕВ

Бухоро давлат университети Тарих ва юридик факультети “Ислом тарихи ва манбашинослиги, фалсафа” кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Мазкур тўплам, Бухоро давлат университети Илмий-техник кенгашининг 4-сонли йиғилиш баённомасининг 2023-йил 3-апрель қарори асосида нашрга тавсия этилди.

©Бухоро давлат университети.

©Бухоро шариф 2023.

куни уйларига кечки овқат тановвулига таклиф қилдилар. Кечки пайт овқатланар эканмиз устоз З тилда (ўзбек, рус, тожик) Рудакийнинг шеърларини айтиб меҳмонларни ҳайратлантирар эдилар.

Йиллар кетидан йиллар ўтмоқда, замон ўзгармоқда, лекин Сулаймон Иноятович ҳалиям ёш, кўркам, илгарилик камтар, ёшларга ғамхўр. Сулаймон Иноятович илмда шундай катта зафарларга эришган бўлса ҳам, ҳаётда ғоят камтар, содда, дилкаш, тили ҳам, дили ҳам покиза, самимийдир.

Хуллас, будай олимнинг ҳаётдаги ўрни, зиммасига олган масъулияти ҳақида жуда кўп сўзлаш мумкин. Пайти келиб (100 ёшга киргандарида) батафсилроқ сўзлармиз, Иншааллоҳ. Бугун устознинг муборак 85 ёшларида, аслида, у кишини фақат қутлашимиз керак. Лекин Сулаймон Иноятовичдек катта салоҳиятли ва масъулиятли олимни шунчаки табриклаб бўлмас экан, у кишининг салоҳияти ва мақомига муносиб сўз топа олмасанг, кўнглинг тўлмай қолаверар экан. Ҳозирча қисқа қилиб, Сулаймон Иноятовичга ҳар жиҳатдан саодатли ва омадли ҳаёт, узоқ ва мазмунли умр тилаб қоламан.

ТАНГРИНИНГ ИНОЯТИ СУЛАЙМОН!

Амонкелди Ҳасанович АХМАТОВ,

БухДУ, т.ф.ф.д (PhD).

XX аср 38 йили, баҳорнинг бошланиши. Айни Наврӯз айёмини кутиб олиш керак бўлган, ўғил-қизларнинг шўҳшодон кулгуси, ялла лапарлар, карнай сурнайлар шовқини оламни тутиши керак бўлган бир пайтда Бухоро маҳаллаларида сукунат. Тўю базм кўнгилга сиғмайдиган кунлар эди. Иноятхўжа Атоуллаев (1890-1987) хонадонига қувонч ва қайғу бирдек келди. Хонадонга аввалгиларидан ўзгача йиғи товуши янгради. Диллар қувонди. Кўзлар завқланди. Қалбларда умид уйғонди. Кўнгиллар баҳор келганини ҳис қилди. XX аср Марказий Осиё тарихининг забардаст вакили, тарихчи олим дунёга келди. Сулаймон деб ном қўйдилар. Мохи хосса кўчаларини шу боланининг инграшлари-ю, Супия аянинг бўғиқ алласи уйғотарди. Афсусларки, бир яхшининг ёмони

бўлганидек орадан уч кун ўтиб ўзбекнинг асл ўғлони Файзула Хўжаев совет режими томонидан қатл этилди. Отауллахўжаев айрилигининг яраси битмай навбатдаги йўқотишлар ўрнини тўлдириш учун ҳам, улар курашиб эришолмаган эрк ва озодликни кўриш учун ҳам Тангрининг Инояти билан Сулаймон дунёга келди.

Имтиҳонга кирдим, ўпка қўлтиқлаб,
Сўнгсиз сўроқ – савол шундан бошланди.
Саксон беш йил чўзилди синов,
Сочларим оқарди, тишим мўртлади.

Унинг ёшлиги осон кечмади, озмунча заҳмат чекмади. Ўтин ташиб кун кечирган вақтлари бўлди, хўжасан деб сўроқ берган вақтлари бўлди. *Уруши йиллари болалаги ўтди. Бола бўлди. Болалик завқини кўрмади.* Барини енгди, яхши тарбия ва таълим олди. Китобга меҳр қўйди.

Неки зулм бордир, неки ноҳақлик,
Туярдим, юрагим қонталаш яра.
Ўттизга кирмайин қаридим вақтлик ,
Мен – икки асрни кўрган бечора.

Ўн саккиз ёшида талаба бўлди. Филолог тарихчи мутахассислигини эгаллади. Ушбу соҳалар ихтисослигининг билимдонига айланди. Тарихни адабиёт, адабиётни тарихга боғлаб ўзи ҳам тарихга айлана борди. Кейинги ҳаёти ўз меҳнати ва ҳаракатчанлиги туфайли яхшилана борди. Ташкилотчилик ва ташаббускорлик хислатлари турли раҳбарий лавозимларга кўтарилишида қўл келди. Доимо унутмади ўзлигини, аслзодалигини! Шу орада номзодлик, докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилиб тарих фанлари доктори, профессор унвонига мушарраф бўлди. Эл ардоғидаги суюкли устоз даражасига сазовор бўлди.

Мен, Амонкелди Ахмадов устоз Сулаймон Иноятов билан 2016 йилдан эътиборан Бухоро давлат университетига келганларидан сўнг шахсан танишганман. Унга қадар айрим давраларда, тадбирларда кўришганмиз, китоблари орқали яқинлашганмиз. Докторлик диссертациям ҳимояси жараённида эса устоз билан янада яқинроқ танишиш имкони бўлди.

Кузатишлар жараёнидан айтишим мумкинки, Сулаймон Иноятов аслзода хонадоннинг олийжаноб вакили. Зодагонлик унга ота мерос, бобо мерос.

Турли сабаблар билан устознинг уйларига бориб тураман:

Бухоро. Шейхон маҳҳаласидаги еттинчи уй. Мохи хосса яқинидаги тарихий хонадон.

Кўплар билан карвон йўли бор,

Мохи хоса мажмуи, Шейхон кўча бор

Кенг ҳовлининг ҳар ғишту гиёҳида,

Боғбон устоз Сулаймоннинг қўллари бор

Катта ҳовлига яқинлашсангиз кенг боғ, икки томони узумзорга дуч келасиз. Пастдаги гуллар чирмовиқдек токларга ўралашиб, юқорида ғунчалаган. Кенг дарвозадан кириб борар экансиз ҳовли ўртасида шотут ортидан сўлим боғга гувоҳ бўласиз. Баргидан меваси кўп хурмолар, олма, анор, гилослар, турли ниҳоллар ва азим чинор. Ҳовли охирида иссиқхонада турли гуллар ва лимон кўчатлари етиштирилди. Супанинг пастида атрофи ариқ билан ўралган усти ёпиқ сўри Абдуллахон тоқларига ўхшайди. Атрофи анвойи гулларга бурканган сўрида доимий сухбатлар авжида бўлади. Меҳмонлар ҳовли томошасига оввора бўлгунча устоз бисотида неки бўлса, барини дастурхонга жамларди. Боғдаги пишиб етилган гилос-у, ўриклардан саватга солиб ўртага қўядилар. Сўрининг ён томонидаги сариқ гуллардан мушк ҳиди бутун ҳовлига бўй таратиб турди. Ушбу кўркам манзарага ўғил қизлари ва набиралари Асадбекнинг одоб билан хизмат қилиши ўзгача шукҳ бағишлайди. Ушбу хонадонда дунёнинг турли ўлкаларидан келган зиёлиларнинг излари қолган. Бу уйда кўплаб олимлар баҳслашган, шоирлар мушоира қуришган. Ҳовлида ўтмиш, бугун ва келажак яшайди. Хонадон кўплаб катта-ю кичик олимлар учун билим уйи бўлган десак рост айтган бўламиз. Шу ўринда, устозни Садр Зиёга қиёс қилгим келди. XIX аср охири XX аср бошларида ўз уйида адабий мактаб ташкил қилиб ҳаваскор ижодкорлар саводини шу хонадонда чиқартирган эди. Кўлларига ўзи ҳомийлик қилиб, миллатнинг етук фарзандлари бўлишига кўмақдош бўлган.



Устознинг хонадони ҳам бугунги кунда шундай вазифани бажармоқда.

Устоз Сулаймон Иноятов ҳақида билганларимни қайд қилиш истагим у кишини таниганимдан бошланган. Аммо ҳар гал жазм қилганимда журъатсизлик такрорланаверди. Буюкларни мақтovлар билан таърифлаш осондир, қоғозга тушуриш ниҳоятда машаққатли. Айтилган гап айтилган жойда ва айримлар хотирасида қолиши мумкин. Қоғозга тушгани эса тарих зарварақларида абадиятга қолади. Шу боис журъатсизлик аксар ҳолларда истақдан устун келади. Бир кун келиб устозлар ҳақида ёзишга албатта жасорат топаман. Бу йўлда яратганинг ўзи мададкор бўлсин. Зоро, Устозларнинг ҳаёт йўли ибрат мактабидир. Умр йўли тарихга айланган устозлардан бири Сулаймон Иноятов ҳаётнинг кўп чиғириқларидан тирик чиқди. Бутун чиқмади, соғ чиқмади, яраланиб, эзилиб, куйиб-куюниб, айрилиқ ва йўқотишлар билан тирик чиқди. Туҳматларга, маломатларга бир инсон бўлиб чидади. Соғлигини кўролмаслар йиллар давомида емирди. Аламлар ва армонлар, жигарларидан айрилиқ ҳар он қалбини емирди. Яратгани шу кунларга етказганига шукрлар, обод юрт раҳбарининг эътиборидан миннатдорлик ҳисси ҳар дам кўнглини хотиржам қилди. Бу йил Тангрининг Инояти Сулаймон Иноятов 85 ёшга кирдилар. Ушбу қутлуғ ёшингиз муборак бўлсин.

УСТОЗИМГА БАФИШЛАНГАН ХОТИРАЛАР И.С. РАУФОВ,

Дунёда инсонлар борким, йўлчи юлдуздай доимо нур тарқатиб туради. Уларнинг ҳаёт йўли – бошқа инсонлар учун ибрат бўлиб хизмат қилади. Шу инсонлардан бири ҳурматли Устозимиз – Иноятов Сулаймон акадир.

Мен, 1978-88 йилларда Бухоро шаҳар 5 сон ўрта мактабда таълим олгандан сўнг, 1988 йили Бухоро давлат педагогика институтининг тарих факультетига ўқишига кирдим. 1992 йили 4 курсни тугатиб, бакалавр дипломини олгач, магистратурада ўқиш учун Туркия Республикасига ўқишига бориб, у ерда



Абдуҳаким
МАМАНАЗАРОВ

Ҳожи Насруллоҳ
Шукруллоҳ ўғли
Шариф Олимович
БОЛТАЕВ

О.С. ХАИТОВА

Феруза
Исматиллаевна
ФАЙЗИЕВА

Бозоргул Зокировна
ЎРИНОВА

Жаҳонгир Юнус ўғли
ЭРГАШЕВ

Амонкелди
Ҳасанович
АХМАТОВ

И.С. РАУФОВ

Dilnoza Davlatovna
ELOVA

Ҳамроқул САФАРОВ

Laylo INOYATOVA

Раҳим МАҚСУДОВ

АЛЛОҲ БЕРГАН НОТИҚ,
ИСТИҚЛОЛ КУЙЧИСИ,
УСТОЗИМ СУЛАЙМОН
ИНОЯТОВНИНГ 85 - ЙИЛЛИК
ЮБИЛЕЙЛАРИ ҲАҚИДА
МУЛОҲАЗАЛАРИМ
СУЛАЙМОН ИНОЯТОВ: МОҲИР
ПЕДАГОГ, ЗАБАРДАСТ ОЛИМ,
МЕҲРИБОН ДЎСТ, СУЛОЛА
САРДОРИ!

СУЛАЙМОН АКА ҲАҚЛАРИДА
СҮЗ 297

САЛОҲИЯТЛИ ОЛИМ ВА
ДИЛКАШ ИНСОН 300

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ АЗАЛИЙ
ҚАДРИЯТ 304

УСТОЗ ОТАНГДЕК УЛУҒ 307

УСТОЗЛАР ИБРАТИ
УЛУҒЛИККА УНДАЙДИ 309

СҮНМАС СИЙМО СОҲИБИ 313

ТАНГРИНИНГ ИНОЯТИ
СУЛАЙМОН! 317

УСТОЗИМГА БАҒИШЛАНГАН
ХОТИРАЛАР 320

USTOZGA HURMAT VA
ЕHTIROMIM CHEKSIZ 323

ЯҚИН ҚЎШНИЧИЛИК ВА
ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК - 325

ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ
НАYOTLARI BIZ UCHUN IBRAT 326

ШЕҶРИЯТ ГУЛШАНИ

ҚУТЛОВ, УСТОЗГА 328